

Андижон шаҳри

16.05

2022 йил

«I-EDU GROUP» МЧЖ номидан жамият низомига асосан фаолият юритувчи раҳбари У.Мирзалимов, кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади, бир тарафдан ва Андижон Давлат Тиббиёт Институтини (кейинги ўринларда «АДТИ») номидан Низом асосан иш юритувчи ректори М.М.Мадазимов, иккинчи тарафдан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, биргаликда Тарафлар деб аталувчилар, ушбу хизмат кўрсатиш шартномасини (кейинги ўринларда «шартнома» деб юритилади) қуйидаги мазмунда туздилар:

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси «Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»даги вазифаларни бажариш ва Университет илмий салоҳиятини янада ошириш, унинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш, халқаро таълим рейтингларида иштирокини таъминлаш ва илмий-амалий лойиҳаларда иштирокини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида:*

### 1. Шартнома предмети

1.1. Ижрочи «Институт ўқув жараёнини булутли (облачный DaaS) технологиялар асосида Гибрид таълим (BLENDED LEARNING) жорий этиш ҳамда халқаро рейтинг ва индексларда институт нуфузини кўтариш» бўйича кўрсатиладиган хизматларни буюртмачининг топшириғига асосан бажариш, Буюртмачи эса ушбу хизматларни мазкур шартнома шартларига мувофиқ қабул қилиш ва хизматлар ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

### 2. Тўлов миқдори ва тартиби

- 2.1. Мазкур шартномага асосан кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов миқдори (шартнома суммаси) **586 500 000,00 (беш юз саксон олти миллион беш юз минг)** сўмни ташкил қилади.
- 2.2. Мазкур шартномага асосан кўрсатилган хизматлар учун тўловни Буюртмачи қуйидаги тартибда Ижрочининг ҳисоб рақамига счёт-фактура асосида ўтказиб берилишини таъминлайди:
- 2.2.1. Шартнома суммасининг 30% (ўттиз) фоиз миқдоридаги суммани мазкур тўлов Ғазначиликда рўйхатда ўтгандан сўнг, 5 банк иш кунида олдиндан тўлов шаклида;
- 2.2.2. Мазкур шартноманинг счёт фактурасига асосан тўлов Ғазначиликда рўйхатда ўтгандан сўнг, 5 банк иш кунида 70% тўловни амалга оширади.

### 3. Хизматни қабул қилиш ва топшириш тартиби

- 3.1. Мазкур шартноманинг 1.1 бандида белгиланган хизматлар бажарилиши бўйича Ижрочи Буюртмачига жорий ва якуний ишлар бажарилганлик счёт-фактура тақдим этади.
- 3.2. Буюртмачи ишларни бажарилганлик далолатномасини Ижрочидан қабул қилиб олгандан сўнг 3 (беш) иш кунида имзо қўйиб қабул қилиб олиши ёки асослантирувчи ёзма далиллар билан Ижрочига қайтариши шарт.
- 3.3. Мазкур шартноманинг 3.2. бандида кўрсатилган муддатда Буюртмачи ишларни бажарилганлик счёт-фактура имзо қўйиб қабул қилиб олмаган тақдирда, асослантирувчи ёзма далиллар билан Ижрочига қайтариб бермаган тақдирда ишлар тегишли тартибда бажарилиб Буюртмачи томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

#### **4. Тарафларнинг жавобгарлиги**

- 4.1. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ва/ёки лозим даражада бажармаслик бўйича тарафлар қонунларда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 4.2. Ижрочи мазкур шартномада кўрсатилган хизматларни бажариш муддатларини 1 (бир) ойгача кечиктирган тақдирда ўз вақтида кўрсатилмаган хизмат қийматидан 1% (бир) фоизи миқдорида, хизматларни бажариш муддатлари 1 (бир) ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган тақдирда, ўз вақтида кўрсатилмаган хизматнинг қийматидан 2% (икки) фоиз миқдорида неустойка тўлайди.
- 4.3. Буюртмачи мазкур шартноманинг 2.2. бандида кўрсатилган муддатларда тўловни амалга оширмаган тақдирда, Буюртмачи Ижрочига кечиктирилган тўлов суммасининг 50%(эллик) фоизи миқдорида неустойка тўлайди
- 4.4. Неустойка тўлаш тарафларни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 4.5. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ қўлланилади.

#### **5. Шартномани ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва уни бекор қилиш**

- 5.1. Мазкур шартномага тарафлар ўзаро келишув асосида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тарзда исталган вақтда ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга ҳақли. Шартнома шартларига ўзгартиришлар тарафларнинг ўзаро ёзма келишуви билан амалга оширилади.
- 5.2. Ижрочи ўз хизматини буюртмачининг ёзма розилигисиз шартнома ёки бошқа асосда учинчи шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

#### **6. Форс-мажор ҳолатлари**

- 6.1. Тарафлар мазкур шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўзларига боғлиқ бўлмаган форс-мажор ҳолатлар сабабли бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўташдан озод этиладилар.
- 6.2. Енгиб бўлмас кучлар туфайли мазкур шартнома шартларини бажариш имкони бўлмаган тараф иккинчи тарафни ана шундай вазият юз бергандан сўнг 20 (йигирма) кун ичида далиллар келтирган ҳолда хабардор қилиши шарт.

#### **7. Низоларни ҳал этиш тартиби**

- 7.1. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган барча низоларни тарафлар ўзаро келишув асосида тинч йўл билан ҳал этадилар.
- 7.2. Низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган ҳолларда низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **8. Шартноманинг амал қилиш вақти**

- 8.1. Мазкур шартнома тузилган кундан эътиборан кучга киради. Агар тарафлардан бири шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан 2 (икки) ой олдин шартноманинг амал қилиш борасида бирор ташаббус билан чиқмаса, мазкур шартнома (келаси) йил учун алоҳида тузилади.
- 8.2. Шартноманинг амал қилиш муддати : 31 декабрь 2022 й.

#### **Яқунловчи қондалар**


- 8.3. Мазкур шартнома тенг юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди ва ҳар бир тараф учун бир нусхадан топширилади.
- 8.4. Ушбу шартнома иловаси шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

9. Тарафларнинг реквизитлари

Ижрочи

“I-Edu group» МЧЖ

100095, Тошкент ш. Янгихаёт тумани Дарё бўйи  
кўчаси 34-уй  
Банкнинг номи:  
“НАМКORBANK” АТБ Тошкент филиали  
МФО: 00443; ИНН 307220117  
ОКОНХ: 82000  
Ҳисоб рақами: 2020 8000 4051 9742 8001

Директор.  У. Мирзалимов  
(имзо, муҳр)



Буюртмачи

АДТИ

ANDIJON DAVLAT TIBBIYOT INSTITUTI  
ANDIJON SHAHAR, YUSUF OTABEKOV KO'CHASI 1-UY  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI  
H/R: 23402000300100001010  
MFO: 00014 STIR(INNH): 201122919  
MARKAZIY BANK BB XKKM TOSHKENT SHAHAR  
SHH/V: 40091026003401709400054001  
STIR(INNH): 200237442 XXTUT: 92110

Ректор  М. Мадазимов  
(имзо, муҳр)



XO'JALIK SHARTNOMASI  
HUQUQIY EKSPERTIZADAN  
O'TKAZILDI.  
20 22 y. 16 o5  
HUQUQSHUNOS 

Т. Абдувапиев